

## ЎРТА АСРЛАРДА УСТРУШОНА МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТИГА ХИТОЙ МАДАНИЯТИНИНГ ТАЪСИРИ

Дилшод Абдураимов

Гулистон давлат университети

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7093756>

**Аннотация.** Мақолада ўрта асрларда Уструшона ва умуман Ўрта Осиё минтақасидаги моддий ва маънавий маданият ривожига Хитой маданиятининг таъсири таҳлил қилинган. Бошқа мамлакатлар маданиятидаги энг яхши намуналарни ўзлаштириш, хусусан хитой цивилизацияси ютуқларини ўзлаштириш ва жорий қилиш Ўрта Осиё халқлари маданияти ривожига муҳим омиллардан бири бўлганлиги таъкидланган.

**Калит сўзлар:** Буюк Ипак йўли, моддий маданият, маънавий маданият, ўзаро алоқалар, хитойча компонент, Хитой маданиятининг таъсири.

## ВЛИЯНИЕ КИТАЙСКОЙ КУЛЬТУРЫ НА МАТЕРИАЛЬНУЮ И ДУХОВНУЮ КУЛЬТУРУ УСТРУШАНЫ А СРЕДНИЕ ВЕКА

**Аннотация.** В статье проанализировано влияние китайской культуры на материальную и духовную культуру Уструшаны и всей Средней Азии в средние века. Отмечено, что усвоение самых лучших образцов культуры других стран, в частности усвоение и внедрение достижений китайской цивилизации стало одним из важных факторов в развитии культуры народов Средней Азии.

**Ключевые слова:** Великий Шёлковый путь, материальная культура, духовная культура, взаимосвязи, китайский компонент, влияние китайской культуры.

## THE INFLUENCE OF CHINESE CULTURE ON THE MATERIAL AND SPIRITUAL CULTURE OF THE MIDDLE AGES

**Abstract.** The article analyzes the influence of the Chinese culture on the material and spiritual culture of Wrusha and all of Central Asia in the Middle Ages. It is noted that the assimilation of the best samples of the culture of other countries, in the chaos, the assimilation and implementation of the achievements of Chinese civilization has become one of the important factors in the development of the culture of the peoples of Central Asia.

**Keywords:** a Great silk path, material culture, spiritual culture, relationships, Chinese component, the influence of Chinese culture.

## КИРИШ

Хитой моддий маданиятининг Ўрта Осиёга кириб келиши савдо йўллари маршрутлари бўйлаб маданий марказлар, хитойликларнинг савдо, хунармандчилик ва санъатдаги иштироки, атрофдаги халқларга ўз таъсирни тарқатиш каби хитой расмий доктринасининг тарқалиши натижаси каби омиллар ҳисобига амалга оширилган.

Савдодан ташқари Хитой маданияти, айниқса моддий маданияти кириб келишининг муҳим жиҳати дипломатик муносабатлар бўлиб, улар давомида элчиликлар ва дипломатик миссиялар билан алмашиш орқали ўзаро алоқалар ҳамда бундай алоқалар давомида совға-саломлар бериш амалга оширилган. Хитой таъсирининг тарқалиши ғоясига шартномалар тузиш мақсадидаги дипломатик қабуллар уюштириш каби усуллар ҳам хизмат қилган. Гаровга олинганлар ва сулолавий никоҳлар уларнинг кафолатлари ролини бажарган. Кўплаб аёнлари билан бирга Ғарбга, яъни Марказий Осиёга юборилган

хитой маликалари, ҳамда конфуцийчилик руҳида тарбияланган собиқ гаровга олинганлар ватанларига қайтгач Ўрта Осиёда хитой маданиятини тарқалишига ўз ҳиссаларини қўшганлар.

### ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Минтақанинг ўзига хос географик жойлашуви, Хитой цивилизациясининг ғарбий ва шимолий цивилизациялари билан ўзаро таъсир чорраҳасидада жойлашгани, Ўрта Осиё аҳолисининг тарихий ва маданий ривожини шартлаб берди. Этник тарихи турли хил цивилизациялар билан ўзаро муносабатларда ривожланиб борган бошқа халқлар сингари Ўрта Осиёда яшаган халқлар ҳам бир қанча маданиятларнинг ўзаро таъсир ва ўзаро алоқадорлик, синтез ва симбиози таъсирида бўлганлар. Бу ҳақда минтақамиздаги қадимги ва ўрта асрлар маданиятининг ўзига хос хусусиятларини бизгача етказган турли хил материаллар далолат беради. Ушбу материалларни ўрганилиши шуни кўрсатдики, Шарқий Осиё минтақаси ва Ўрта Осиёнинг тарихий алоқалари кенг бўлиб, моддий маданият билан бир қаторда маънавий маданиятни ҳам қамраб олган эди.

Маълумки, Уструшона антик муаллифларда Суғдиёна географик тушунчаси билан бирлаштирилади [7, с.15]. Ҳақиқатдан ҳам, унинг аҳолиси суғдликлардан иборат бўлган, бироқ, у Самарқанд ва Хўжанд ўртасидаги алоҳида вилоят бўлиб, Фарғона, Суғд, Чоч ва Бактрия ўртасида боғловчи бўғин бўлиб хизмат қилган. Уструшона Туркистон тизма тоғларидан шимолидаги Жиззахдан Хўжандгача бўлган катта ҳудудни ва Туркистон тизма тоғларидан жануброқдаги то Ҳисор тоғларигача бўлган тоғли ҳудудларни эгаллаган [8, с.189].

Ўлканинг қадимги тарихини ёритувчи тарихий манбалар жуда кам бўлиб, даврлар бўйича узил-кесил тақсимланган. Антик муаллифларнинг асарларида асосан Александр Македонскийнинг бу ҳудуддаги фаолияти ёритилган. Хитой ёзма манбалари эса асосан Уструшонанинг илк ўрта асрлар даврини ёритади.

Уструшона халқаро айирбошлашда муҳим рол ўйнаган. У орқали, хусусан, Буюк Ипак йўли тармоқларидан бири ўтган ва бундан унинг ҳудудида чет эл тангалари ва бошқа нарсалар топилгани далолат беради.

Уструшона ҳудудидаги Мунчоктепа шаҳристони Бекобод шаҳридан 4,5 километр шарқроқда, Сирдарё дарёсининг чап соҳилидан 400 км масофада жойлашган ва чўл билан чегарадаги мустаҳкам таянч манзили бўлган. Мунчоктепадаги ҳаёт эрамининг биринчи асрларидан ривожланган ўрта асрларгача давом этган. Мунчоктепада олиб борилган қазишмалар давомида чет элдаги нарсалар топилган: каури чиғаноқлари, қаҳрабодан ясалган мунчоклар, бронза хитой кўзгуси, бир томонида хитойча “олтин ва қимматбаҳо тошлар” ёзуви ва рақамлар ёзилган ва иккинчи томонида соқолли кишининг схематик тасвири чизилган ясси тош ва б. Кўзгунинг диаметри 17,6 см бўлиб, у думалоқ шаклда бўлган ҳамда рельефли нақшлар ва иероглиф белгилар билан безатилган [5, с.295].

Ширинсой мазорқўрғонлари Мунчоктепа шаҳристонида 100 метрда, Сирдарё водийсигача чўзилган Ширин тоғ тизмасининг этакларида жойлашган. У ердаги №1 қабрдаги катакомбада уч марта дафн этилгани аниқланди. Майитнинг оғзи яқинида хитой тангаси топилди [3, с.334; 4, с.294]. Танганинг шакли тўғри доира бўлиб, ўртасида квадрат шаклидаги тешик бор. Танганинг диаметри 20 мм, тешик ўлчами 9х9 мм, оғирлиги 2,55 г. Танганинг чети ва тешикнинг иккала ён томонлари қавариқ тасма билан чегараланган. Тасманинг эни 1 мм. Танганинг олд томонида, марказдан ўнгга “5” рақамини билдирувчи

“у” иероглифи тасвирланган. Танганинг орқа томонида “чжу” танга бирлигини билдирувчи иероглиф тасвирланган. Замонавий адабиётларда “чжу” иероглифи “шу” деб юритилади. Демак, бу танганинг тури “у-шу» десак бўлади [3, с.353]. В.М.Алексеевнинг фикрича, “у-шу” туридаги тангалар Хитойда 118 Р.Х.дан то 618 Р.Х. гача зарб қилинган [1, с.20]. Бирок, Ширинсойдаги тангага ўхшаш тангалар Ҳиндихитойдаги ёдгорликларнинг биридаги Ван Ман (9-23 йй.) даврига оид тангалар ичидан ҳам топилган [9, р.11]. Шунинг учун бу тангалар 1 асрда ҳам тарқалган деган хулоса чиқариш мумкин.

## ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Ширинсойда тадқиқотлар олиб борган Фарход экспедициясининг археологик ишлари натижасида ушбу мазорқўрғон ва Мунчоктепа шаҳристонининг қуйи қатламлари бир даврда мавжуд бўлганлиги аниқланди ҳамда иккала ёдгорлик битта маданий мажмуа бўлганлигини кўрсатди. Қадимда бу ердан Фарғонани Хўжанд орқали Самарқанд билан бирлаштирган йўл ўтган. Буюк Ипак йўлининг бу тармоғи Хитойни Ўрта Осиё билан боғлаган йўлнинг бир қисми бўлган. Бу йўл Кашғардан Фарғона ва Уструшона орқали Самарқандга, Бухорога ва Марв ва Форс орқали южануби-шарққа олиб борган [6, с.7]. VII асрга келиб Фарғонадаги сиёсий воқеалар туфайли Ўрта Осиёнинг Хитой билан алоқалари бу ҳудудларни четлаб амалга оширила бошланди. Савдо йўли эса шимолга силжиган эди (Самарқанд – Тошкент – Етгисув – Иссиққўл кўли ва ҳоказо) [2].

Ўрта Осиёдаги археологик ёдгорликларда Хитой маданиятига оид моддий объектларнинг кўп миқдорда бўлганлиги шуни таъкидлашга имкон берадики, минтақага Хитой таъсири сезиларли даражада кириб келган эди. Мазкур ҳудудда хитой импортига оид топилмаларнинг умумий ҳажми юқорида тилга олинган буюмлар билан чекланмайди.

## МУҲОКАМА

Шуни таъкидлаш жоизки, хитой моддий маданиятининг таъсири маҳаллий ишлаб чиқаришнинг маълум тармоқлари пайдо бўлиши унинг катта аҳамият касб этган. Ўрта Осиёдаги деҳқончилик воҳаларига ипакчилик ва ипак тўқимачилиги, темирни эритиш технологиялари, қоғоз ишлаб чиқариш, шоли, шафтоли, ўрик ва бошқа маҳсулотларни етиштириш кабилар жорий қилинган. Хитойдаги юксак ривожланган деҳқончилик маданиятининг таъсири Ўрта Осиёдаги деҳқончилик, ҳунармандчиликнинг айрим турларининг ва қурилиш ишининг пайдо бўлиши учун муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Хитойликлар Ўрта Осиё халқларини лакланган буюмлар, маросимий соябонлар, зеб-зийнатларнинг айрим турлари, ипак матоларга тикиладиган кашталарнинг янги мотивлари, кўзгулар, кумуш ва сопол буюмларидаги безакли тасвирлар ва бошқалар билан таништиришди. Нақшларда рамзий компонентларни ўзлаштириш эса улар билан боғлиқ бўлган маънавий тасаввурларни идрок қилинишидан ддалолат беради.

Моддий маданиятнинг анъанавий соҳаларида хитойча элементларнинг пайдо бўлиши билан Ўрта Осиёнинг деярли бутун ҳудудида кўзгуларнинг янги турлари, сино-кхарошти тангалар, маҳаллий хитойча намуна ва технологияларга таяниб зарб қилинган тангалар, уй-рўзғор бумларининг айрим турлари (пастак ёғоч столчалар, селадона ва чинни идишлар, бронза қозонлар, металл игна-туғмалар ва кулоқ тозаллагичлар, пинцетлар, зеб-зийнат буюмларининг тарқалиши билан боғланган. Марказий Осиё маънавий маданиятида буддизм билан боғланган соҳада хитойча компонент муҳим ўрин тутади.

## ХУЛОСА

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, археологик материаллар асосида Ўрта Осиё, хусусан Уструшоннинг моддий ва маънавий ривожланишида хитойча таъсирнинг даврийлиги ва интенсивлиги кузатилади. Шарқий Осиё компонентларининг Ўрта Осиё маданиятига фаол жорий қилиниши VIII асрлар ўрталаригача давом этган. Кейинчалик Хитой Буюк Ипак йўлининг ғарбий тармоғида ўз назоратини йўқотгани туфайли, Ўрта Осиё моддий ва маънавий маданиятига Хитойнинг таъсири вақти-вақти билан, яъни спорадик тарзда давом этганлиги кузатилади.

### REFERENCES

1. *Алексеев В. М.* Описание китайских монет и монетовидных амулетов, находящихся в нумизматической отделении Эрмитажа. СПб., 1907.
2. *Бартольд В. В.* Очерк истории Семиречья // Сочинения. Т. II. Ч. 1. М., 1963.
3. *Гайдукевич В. Ф.* Могильник близ Ширин-сая в Узбекистане // СА. М.; Л., 1952. XVI.
4. *Гайдукевич В. Ф.* Работы Фархадской археологической экспедиции в Узбекистане в 1943-1944 гг. // КСИИМК. Вып. XIV. 1947.
5. Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии // Археология СССР. М., 1985.
6. *Жуковский В. А.* Развалины старого Мерва // МАР. Вып. 16. СПб, 1894.
7. *Негматов Н. Н.* Ходжент и Уструшана в древности и средневековье (сер. I тыс. до н.э. – I тыс. н.э.). Автореф. дис. ... д.и.н.М., 1968.
8. *Смирнова О. И.* Археологические разведки в Уструшане в 1950 г. // МИА. № 37. 1953.
9. *Goloubew V.* L'âge du bronze au Tonkinet dans le Nord-Annam // Bulletin de l'Ecole française d'Extreme Orient. XXIX. Khanoy. 1930.P. 11. Tab. VI. Fig. E.